# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН 1948 ЙИЛНИНГ 10 ДЕКАБРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

### МУҚАДДИМА

Бани одамга хос бўлган қадр-қимматни эътироф этиш ва инсонларнинг тенг ҳамда дахлсиз ҳуқуқлари эрк, адолат ва бутун жаҳонда тинчликнинг негизи эканини **эътиборда тутиб**; ва

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва оёқ ости қилиш ваҳшиёна оқибатларга олиб келганини, бундай ваҳшийликлар башарият виждонини ғалаёнга солаётганини ҳамда одамлар сўз ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган, шунингдек, қўрқув ва муҳтожликдан холи бўладиган бир оламни бунёд этиш кишиларнинг олий интилишлари сифатида эълон қилинганини **эътиборда тутиб**; ва

инсон истибдод ва зулмга қарши сўнгги чора сифатида қўзғолон кўтаришга мажбур бўлмаслигини таъминлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун маъмурлари томонидан қўриқланиши зарурлигини **эътиборда тутиб**; ва

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга ёрдам бериш зарурлигини **эътиборда тутиб**; ва

Бирлашган Миллатлар халқлари Низомда инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматига ҳамда эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигига иқрор эканликларини таъкидлаганликларини, ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш ва кенг эркинликлар мавжуд бўлган тақдирда турмуш шароитларини яхшилашга ёрдам беришга қарор қилганликларини **эътиборда тутиб**; ва

аъзо-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳамма томонидан ҳурмат қилиниши ва риоя этилишига кўмаклашиш мажбуриятини олганликларини **эътиборда тутиб**; ва

бу ҳуқуқ ва эркинликлар характерининг умум томонидан англаниши ана шу мажбуриятнинг тўла-тўкис бажарилишида улкан аҳамиятга молик эканини **эътиборда тутиб**;

### БОШ АССАМБЛЕЯ ЭЪЛОН ҚИЛАДИКИ,

ушбу **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси** барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилишлари шарт бўлган вазифадир, токи ҳар бир инсон ва ҳар бир жамият органи мазкур Декларацияни доимо назарда тутган ҳолда, маориф ва маърифат йўли билан бу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига ёрдам бериш учун интилсин ҳамда бу ҳуқуқлар ва эркинликлар миллий ва халқаро мутараққий тадбирлар, Ташкилот аъзоси бўлган давлатларнинг халқлари ўртасида ҳам, шунингдек, уларнинг бошқарувлари доирасидаги территориялар халқлари ўртасида ҳам ёппасига ва самарали тан олиниши ҳамда амалга оширилиши йўли билан таъминлансин.

### 1- МОДДА

Барча одамлар ўз қадри ва ҳуқуқлари билан озод ва тенг бўлиб туғиладилар. Улар ақлу фаросати ва виждони билан яратилганлар, бинобарин, бир-бирлари билан қардошлик руҳида муомала қилишлари керак.

### 2- МОДДА

Ҳар бир инсон, ҳар қандай тафовутларидан қатъи назар, яъни: ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки ўзга эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий, табақавий ёки бошқа мавқеига қарамасдан, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёхуд территориянинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро статусга эга эканлиги асосида, бу территория мустақил, васийликдаги, ўз-ўзини идора қилмайдиган ёхуд суверенитети қайсидир жиҳатлардан чеклаб қўйилганидан қатъи назар, бирон-бир даражада одам ажратилишига йўл қўйилмаслиги керак.

### 3- МОДДА

Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир.

### 4- МОДДА

Ҳеч ким қулликда ёки тутқун ҳолда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қулфурушликнинг барча кўринишлари тақиқланади.

### 5- МОДДА

Ҳеч ким қийноқ остига олинмаслиги ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд унинг қадрини ерга урадиган муомала ва жазога мустаҳиқ этилиши мумкин эмас.

### 6- МОДДА

Ҳар бир инсон, у қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ эгаси эканлиги эътироф этилиши ҳуқуқига эга.

### 7- МОДДА

Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва ҳеч бир тафовутсиз қонун томонидан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Барча одамлар ушбу Декларацияга хилоф бўлган ҳар қандай камситишлардан ва шу тахлит камситишларга ундовчи ҳар қандай гиж-гижлашлардан тенг ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

### 8- МОДДА

Ҳар бир инсон конституция ёки қонун томонидан унга берилган асосий ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳуқуқларини тегишли бохабар миллий суд орқали натижали равишда тиклаш ҳуқуқига эга.

### 9- МОДДА

Ҳеч ким асоссиз тарзда қамоққа олиниши, ушлаб турилиши ёки қувғин этилиши мумкин эмас.

### 10- МОДДА

Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқлари ва бурчларини аниқлаш ҳамда унга қўйилган жиноий айбнинг асосли эканлигини аниқлаш учун иши тўла тенглик асосида, мустақил ва холис суд томонидан очиқ ҳамда адолатнинг барча талабларига риоя этилган ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

### 11- МОДДА

1. Жиноят қилганликда айбланган ҳар бир инсон то айби қонуний тарзда очиқ суд муҳокамаси йўли билан аниқлангунга қадар айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга. Муҳокама пайтида ўзини ҳимоя қилиши учун унга барча имкониятлар берилиши керак.

2. Бирор хатти-ҳаракат ёки фаолиятсизлик содир этилган вақтда улар миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқлар бўйича жиноят деб ҳисобланмаган бўлса, бу хатти-ҳаракат ёки фаолиятсизлик асосида ҳеч ким жиноят учун жазога тортилиши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган пайтда қўлланилиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

### 12-МОДДА

Ҳеч ким унинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, уй-жойининг дахлсизлигига, ёзишмаларининг сир сақланиши ёки ор-номуси ва мавқе-мартабасининг дахлсизлигига нисбатан асоссиз тажовузга учраши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ана шундай аралашиш ёки шундай тажовузлардан қонун томонидан ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

### 13-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ҳар қандай давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатни, жумладан, ўз мамлакатини ҳам тарк этиш ва ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқига эга.

### 14-МОДДА

1. Ҳар бир инсон таъқибдан қочиб, бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва бу бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳақиқатда носиёсий жиноят содир этганлик ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига зид хатти-ҳаракат қилганлик учун таъқибга учралган тақдирда бу ҳуқуқдан фойдаланиш мумкин эмас.

### 15-МОДДА

1. Ҳар бир инсон гражданлик ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким асоссиз равишда гражданлигидан маҳрум этилиши ёки ўз гражданлигини ўзгартириши мумкин эмас.

### 16-МОДДА

1. Балоғат ёшига етган эрлар ва аёллар ирқий, миллий ёки диний белгиларига қарамай ҳеч бир чеклашларсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан ўтиш пайтида ҳам, никоҳдалик вақтида ҳам, никоҳни бекор қилиш чоғида ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

2. Никоҳ никоҳдан ўтувчи ҳар икки томоннинг фақат ихтиёрий ва тўла ризолиги билан қайд этилади.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий бошланғич ташкилотидир ҳамда у жамият ва давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эга.

### 17-МОДДА

1. Ҳар бир инсон якка ўзи ва бошқалар билан биргаликда мол-мулк соҳиби бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким мол-мулкидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

### 18-МОДДА

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки маслагини ўзгартириш эркинлигини ҳамда ўз дини ёхуд маслагига якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда эътиқод қўйиш, шунингдек, таълим олиш, ибодат қилиш ва диний расм-русумлар ҳамда маросимларни бажо келтиришга оммавий ёки якка тартибда риоя этиш эркинлигини ўз ичига олади.

### 19-МОДДА

Ҳар бир инсон эътиқод ва ўз эътиқодини бемалол изҳор этиш эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз эътиқодига тўсқинликларсиз риоя қилиш ҳамда маълумот ва ғояларни ҳар қандай воситалар билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, қўлга киритиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

### 20-МОДДА

1. Ҳар бир инсон тинч йиғилишлар ва уюшмаларда қатнашиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким бирор-бир уюшмага зўрлаб киритилиши мумкин эмас.

### 21-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ўз мамлакатини идора қилишда бевосита қатнашиш ёки эркин сайланган вакиллар воситасида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир киши ўз мамлакатида давлат хизматига теппа-тенг кириш ҳуқуқига эга.

3. Халқ иродаси ҳукумат сиёсатининг негизи бўлмоғи керак; бу ирода умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ва сохталаштирилмаган, яширин овоз бериш йўли билан ёки шунга тенг, овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа бирор шаклда ўтказиладиган сайловларда ўз ифодасини топиши лозим.

### 22-МОДДА

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида ижтимоий таъминот ҳуқуқига ҳамда ўз қадр-қимматини сақлаш ва ҳар бир давлатнинг тузилиши ҳамда имкониятларига мувофиқ тарзда миллий саъй-ҳаракат ва халқаро ҳамкорлик йўли билан ўз шахсининг иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ҳуқуқларини эркин ривожлантириш учун зарур тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

### 23-МОДДА

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, меҳнат турини ихтиёрий танлаш, адолатли, қулай меҳнат шароитида ишлаш ва ишсизликдан ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон, ҳеч қандай камситишларсиз, тенг қилинган меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир ишлаётган киши ўзининг ва оиласининг инсонга муносиб равишда яшашини таъминлайдиган, зарур бўлганда, ижтимоий таъминотнинг бошқа маблағлари билан тўлдириладиган адолатли ва қониқарли тақдирланиш ҳуқуқига эга.

4. Ҳар бир инсон касаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

### 24- МОДДА

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш ҳуқуқига эга, бунга иш кунини оқилона чеклаш ва пул тўланадиган даврий таътил ҳуқуқи ҳам киради.

### 25-МОДДА

1. Ҳар бир инсон шундай даражада яшаш ҳуқуқига эгаки, бу ҳуқуққа озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий парвариш, ўзи ва оиласининг соғлиғи ҳамда маъмурлигини сақлаш учун лозим бўлган зарур ижтимоий хизмат ҳамда ишсизлик, касаллик, меҳнатга яроқсизлик, боқувчисини йўқотганлик, қарилик ёки ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар билан тирикчилик манбаидан маҳрум бўлинган тақдирдаги таъминот ҳуқуқи киради.

2. Оналик ҳамда болалик алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш ва ёрдамлашишга ҳуқуқ беради. Никоҳда ёки беникоҳ туғилган барча болалар бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланишлари керак.

### 26- МОДДА

1. Ҳар бир инсон илм олиш ҳуқуқига эга. Илм олиш, камида, бошланғич ва умумий таълим текин бўлмоғи керак. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши даркор. Техника ва ҳунар таълимига ҳамманинг қурби етадиган бўлиши лозим, олий таълим ҳам ҳар кимнинг лаёқатига қараб, ҳамма учун бирдай арзон бўлиши керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла камол топтириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматни кучайтиришга қаратилиши даркор. Таълим бир-бирини тушуниш, тоқатли бўлиш ва барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоғи, тинчликни қўллаб-қувватлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятига ёрдам бермоғи керак.

3. Ота-оналар ўзларининг кичик ёшдаги болаларига таълим турини танлашда бирламчи ҳуқуққа эгадирлар.

### 27-МОДДА

1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан лаззатланиш, илмий тараққиётда қатнашиш ва унинг самараларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки санъат асарлари самараси бўлмиш маънавий ва моддий эҳтиёжларининг ҳимоя этилиши ҳуқуқига эга.

### 28-МОДДА

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўла-тўкис амалга ошиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб ҳуқуқига эга.

### 29- МОДДА

1. Ҳар бир инсон ўзининг шахси айнан эркин ва тўлатўкис камол топиши мумкин бўлган жамият олдида бурчлидир.

2. Ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш пайтида ҳар бир инсон фақат бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини лозим даражада эътироф этишни таъминлаш ҳамда демократик жамиятда ахлоқнинг адолатли талаблари, жамият тартиби ва умумий фаровонликни қондириш мақсадида қонун томонидан белгиланган чеклашларгагина дуч келиши керак.

3. Бу ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш асло Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид бўлмаслиги керак.

### 30-МОДДА

Ушбу Декларациядаги ҳеч нарса бирор-бир давлатга, шахслар гуруҳига ёки айрим шахсларга мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқлар ва эркинликларни барбод этишга қаратилган бирор-бир фаолият билан шуғулланиш ёки хатти-ҳаракат қилиш учун ҳуқуқ берувчи омил сифатида талқин этилиши мумкин эмас.

**Рус тилидан**
**Сулаймон РАҲМОН ва**
**Маҳмуд САЪДИЙ таржимаси**

# СУДГА ЧАҚИРИҚ

**ЖУРНАЛИСТ ҲИМОЯГА КИРИШАДИ**

**ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН**

Сирасини айтиб қўя қолай: мен бу мақолани Гражданлик иши материаллари, редакциямизда сақланаётган ишончли манбалар асосида ёзаяпман. Лекин бу билан асло қонуншунослар фаолиятини тафтиш қилиш ёки даъвогар билан баҳслашиш ниятида эмасман. Аксинча, салкам бир ярим йил мобайнида ўзим кўрган-билган, эшитган воқеаларни қандай бўлса, шундайлигича баён этмоқчиман. Фақат бир нарсадан хавотирдаман: ишқилиб, эрта-индин редакциямизга суддан яна бир чақириқ қоғози келмаса, бу сафар ўзим ҳам жавобгар сифатида сўроқ бериб, ҳафталаримни, ойларимни зое ўтказмасам бўлгани...

●

**ДАЪВО-АРИЗАДАН КЎЧИРМА:**

**Тошкент шаҳар Ленин район халқ судига**

**Мен 1986 йил августида «Ташгастрономторг» директорлигига тайинландим. 1988 йил апрелигача шу лавозимда ишладим.**

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1987 йилги 11 декабрь сонида ёзувчи Дадахон Нурийнинг менинг шаън ва қадр-қимматимни бадном қилувчи туҳматдан иборат «Манманлик васвасаси» мақоласи босилди. Унда тилга олинган воқеалар рўй-рост бузиб талқин этилган. 12 тадан ортиқ факт бўйича менга қўйилган ноқонуний айб ҳақиқатга тўғри келмайди. Мен бу ҳақда Тошкент шаҳар прокуратурасига мурожаат қилдим... Синчковлик билан ўтказилган текширишда мақоладаги фактларнинг бироргаси ҳам ўз исботини топмади... Юқоридаги сабабларга ва Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 7-моддасига биноан редакция зиммасига мақолага раддия босиш мажбуриятини юклашингизни ҳамда менинг шаън ва қадр-қимматимни тиклаб беришингизни сўрайман.**

**А. ИСЛОМОВ**
**1988 йил 2 август.**

●

**РАСМИЙ-ЮРИДИК ХАТДАН КЎЧИРМА:**

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакциясига**

**Ленин район халқ суди 1988 йил 5 октябрда гражданин А. Исломовнинг даъво-аризасини кўриб чиқди. Суд жараёнида мақоладаги 12 та фактдан 7 таси тасдиқланмади. Тошкент шаҳар суди 1988 йил 29 ноябрда қолган тўрт факт бўйича** (даъволардан бири партиявий ишга доир бўлгани учун судда кўрилмаган — А. Ҳ.) **ушбу ҳал қилув қарорига протест келтирди. 1989 йил 23 январда бўлган қўшимча судда А. Исломовнинг даъволари тўла қаноатлантирилди.**

**Халқ суди редакциядан иккала ҳал қилув қарори асосида мақолага раддия беришни сўрайди.**

**Ленин район халқ судьяси Х. ЖУЗБАНОВ.**
**1989 йил 17 февраль.**

Хўш, нима гап ўзи? Собиқ директор ёзувчини ва редакцияни қандай даъволар бўйича судга берди? Халқ суди қандай далилларга кўра раддия эълон қилиш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарди? Ёки газета чиқиши ростдан ҳам асоссизмиди?

Аввало, шуни эслатиш жоизки, мақола А. Исломовнинг ор-номусини, қадр-қимматини ерга уриш мақсадида ёзилмаганди. У ахлоқий-маънавий мавзуга бағишланган бўлиб, раҳбар кадрларнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши қандай салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида сўз юритилганди. Бундай ҳоллар, айниқса, ҳозирги қайта қуриш шароитида коллективларда носоғлом муҳитни вужудга келтириши, муайян соҳаларда жиддий хато-камчиликларни келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидланганди. Шу мақсадда бир шикоят хатини текширишда аниқланган фактлар мақолага асос қилиб олинганди.

Газета чиқиши зое кетмади. А. Исломовнинг фаолияти мутасадди ташкилотлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Унга партиявий жазо берилди. Бироқ у газета чиқиши атрофида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, область ва шаҳар партия ташкилотларига, республика Ёзувчилар уюшмасига ва бошқа жойларга шикоят қилди.

Биз дастлабки кезлардаёқ ундан эътирозларини редакциямизга ёзиб беришини сўрагандик. Шикоятлари асосли бўлса, камчиликларимизни тан олиб газета орқали чиқиш қилишимиз мумкинлигини айтгандик. Лекин у таклифимизга кўнмади. Аксинча, ёзувчи-муаллифни ва редакцияни туҳматчиликда айблаб, шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди. Шунга кўра Ленин район прокуратурасининг ёш ходими Ўринбой Миралимов, даъвогар алоҳида таъкидлаганидек, «синчковлик билан» текшириш ўтказди. Аниқроғи, кўпроқ А. Исломовнинг манфаати нуқтаи назаридан ҳужжатлар тўплади. Хайриятки, пировардида хатосини англаб етди — қонунни бузолмади Мақолада жиноят аломатлари йўқлиги, даъвогарга нисбатан туҳмат бўлмаганлиги сабабли ишни ёпди. Ноилож қолган собиқ директор шундан сўнг гражданлик ишлари бўйича судга даъво-ариза ёзди. Судда терговчи тўплаган материаллар асос қилиб олинди.

Суд тўрт ойдан кўпроққа чўзилди. Иш икки қайта кўрилди. Муҳокамаларда гувоҳларнинг кўпчилиги А. Исломовнинг директор ва инсон сифатидаги фаолиятига холис баҳо беришди. Унинг раҳбарларга хос бўлмаган ножўя хатти-ҳаракатларини кескин қоралашди. Суд ҳайъатлари эса тирик инсонларнинг гувоҳликларига эмас, одатдагидек, асосан расмий ҳужжатларга ишондилар. А. Исломовнинг даъволарини қаноатлантириш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқардилар.

Такрор айтаман, бу билан мақоладаги ноаниқликлардан кўз юмиб, муаллифни ва редакцияни оқламоқчи эмасман. Ҳуқуқшунослар устидан шикоят қилиб, ҳақ талашмоқчи ҳам эмасман. Фақат судда мақоланинг асл мақсад-моҳиятига етарли эътибор берилмаганини, масаланинг маънавий жиҳатлари тўғри баҳоланмаганини эслатиб ўтмоқчиман, холос.

Мақолада А. Исломов Киров район озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси идорасига раҳбарлик қилган кезларда ҳам қатор ишкалликларга йўл қўйганлиги айтилганди. Исботи сифатида шаҳар халқ контроли комитети томонидан аниқланган фактлар баёни келтирилганди. Ўша ҳужжатда таъкидланишича, 15 та магазин текширилган, уларда тарозидан ва харидор ҳақидан уриб қолиш, камёб молларни яшириб қўйиш, касса аппаратларини нотўғри ишлатиш, планларни ошириб кўрсатиш ҳоллари рўй берган. 15 ой ичида молларни ноқонуний ҳисобдан чиқариш 50 минг сўмни ташкил этган. Шунга кўра А. Исломовга қаттиқ ҳайфсан берилган, пул начёти солинган. Муаллиф бу фактларни мақолага сингдиришда айрим чалкашликларга йўл қўяди. Харидорлардан уриб қолинган пул миқдорини 5 тийиндан 40 тийингача дейиш ўрнига 40 тийиндан 5 сўмгача қилиб кўрсатади. Район молия бўлими томонидан ундирилган жаримани эса бош бухгалтер ўринбосари В. Гусеванинг тушунтириш хати бўйича суд орқали деб ёзади.

Шубҳасиз, бу ўринда даъвогар расман ҳақ. Биз мақолада баъзи фактлар талқинида чалкашлик ўтганини тан оламиз. А. Исломовга улар учун узримизни айтамиз. Чунки журналистнинг ҳар қандай вазиятда ҳам чалкашликка йўл қўйишга ҳақи йўқ.

Лекин, келинг, яна бир карра ақллашиб кўрайлик. А. Исломов тасарруфидаги магазинлар ходимлари савдо-сотиқ қоидаларини бузишгани, хоҳ 5 тийин бўлсин, хоҳ 5 сўм, барибир, харидорлар ҳақига хиёнат қилгани аниқ-ку. Улар устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун А. Исломов жазолангани ҳам аён-ку. Бинобарин, мақоладаги фактик хатолар ҳал қилув қарорига кўра тузатиб ёзилган тақдирда ҳам, масаланинг моҳияти ўзгармайди.

Шу жиҳатдан қараганда, муаллифнинг А. Исломов кимнингдир қўллаб-қувватлаши туфайли айни пайтда янада юқорироқ лавозимга кўтарилган деган фикрида ҳам мантиқан жон бор. Чунки А. Исломов янги вазифага гарчи халқ контроли комитетининг қарори чиқишидан 16 кун олдин тайинланган бўлса-да, текшириш у райпишчеторгда ишлаётган кезларда бошланган ва унинг 15 ойлик раҳбарлик фаолиятига баҳо берилган. Бундай ҳолда ўша «кимдир» унинг хато-камчиликларини кўрмаган-билмаганлигига ҳеч ким кафолот беролмайди.

Судда даъвогар мақола чиқишидан олдин муаллифни мутлақо кўрмаганман, у мен билан бирор марта ҳам учрашиб, суҳбатлашмаган деб туриб олди. Ҳал қилув қарорида эса шундай мазмундаги жумлани ўқиймиз: **«Исломов билан суҳбат унинг хонасида эмас, ...редакцияда бўлган деб топилсин».**

Демакки, қаерда бўлишидан қатъи назар, жавобгар даъвогар билан учрашган. Буни ўша суҳбатда қатнашган тўрт гувоҳ ҳам ёзма равишда тасдиқлашган. Иккинчидан, бу ўринда унинг қадр-қимматини камситадиган ҳеч қандай ноўрин фикр айтилмаган. Борйўғи **«...А. Исломов бизни ўта ёқимтойлик билан қарши олди»,** дейилган. Сўнгра директор 7-магазин мудирига ўзи мажбуран ариза ёздириб, ишдан бўшатганини тан олгани, келгусида уни ўрнига тиклашга ваъда бериб, хонадан чиқиб кетгани баён этилган. Модомики, шундай экан, ўз-ўзидан савол туғилади. Борди-ю, А. Исломов бошқалар гувоҳлигида Д. Нурий билан учрашмаган, ваъда бермаган бўлса, нима учун ва кимнинг маслаҳати билан бир неча ой муқаддам бўшатган ходимини қайта ишга олди?

Мақолада А. Исломов билан унинг муовини М. Тўхтабоева ўртасида бўлган қуйидаги можаро келтирилган:

**«— Анави секретарь аёл Мирошниченкони йўқотинг! Ўрнига бошқа қиз бор!**

**— Анвар Исломович, ўзингизга маълум, яқинда Наташанинг онаси қазо қилди, бир аҳволда юрибди... Унинг устига фарзанд кўриш арафасида...».**

А. Исломов бу суҳбатни инкор этмайди. Аммо котибасини қонун-қоидага хилоф равишда бошқа хонага ўтказиб қўйганини «У телефондаги гапимни тинглагани учун шундай қилганман», деб хаспўшлайди. Хизмат мавқеини суиистеъмол қилганини тан олмайди. Яна Н. Мирошниченконинг аслида қайнонаси ўлганди, муаллиф онаси қазо қилди деб ёзиб, менинг шаънимни ерга урди, деган даъвони билдиради. Ҳолбуки, суҳбат тафсилоти ёзувчи тилидан ҳикоя қилинмаган. Фақат М. Тўхтабоеванинг директорга айтган гаплари сўзма-сўз келтирилган. Қолаверса, Н. Мирошниченко қайнонасини она ўрнида кўрган, унга ҳамиша ойи деб мурожаат қилган. Буни муаллифга ёзиб берган тушунтириш хатларида ҳам алоҳида таъкидлаган. Муҳими, ушбу фактнинг А. Исломовнинг қадр-қимматига мутлақо алоқаси йўқ. Уни ҳеч ким бировнинг ўлимида айблагани йўқ. Кишини бошқа бир нарса таажжубга солади. Муҳокамаларда А. Исломов ўзининг ҳақлигини исботлаш учун котибасининг шахсий ҳаётига тил тегизишдан, бир неча марта ҳомиласи тушган аёлга у авваллари ҳам туққан, касаллиги туфайли болалари турмаган, деб туҳмат қилишдан ҳам тоймади. Бир сафар — ЎзТАГ мухбири Ю. Кружилиннинг табиат мусаффолиги учун жон куйдираётган ўзбек ёзувчиларини сафсатабозликда айбловчи мақоласи эълон қилинганда эса, Ёзувчилар уюшмасига газетани кўтариб борди. Ўша мақола бўйича Д. Нурийни судга беришни таклиф қилди. Менингча, аслида айнан мана шуларнинг ўзини бировнинг қадр-қимматини ерга уриш, ор-номусини топташ, деб атаса арзийди.

А. Исломовнинг учта даъвоси бир-бирига ҳамоҳанг. У мен 7-магазин мудири Ҳ. Шайховни ва кадрлар бўлими инспектори У. Ориповани ўз аризаларига кўра ишдан бўшатганман, дейди. Қисқа вақт ичида ўндан ортиқ гастроном директорлари ўрнини алмаштирганини, айримларини вазифасидан озод қилганини эса қайта қуриш талаби асосида амалга оширганман, деб изоҳлайди. Сўзининг исботи сифатида расмий буйруқларни келтиради.

Биз унинг юридик жиҳатдан ҳақлигига шак келтирмаймиз. Чунки, ҳамма ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган. Аммо фақат қоғозларгагина эмас, одамларга ҳам ишониш керак, ҳаётга разм солиш керак. Хўш, А. Исломов наздидаги «қайта қуриш» амалда қандай самара берди? Қачон, қай биримиз унинг тасарруфидаги магазинлардан кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бўлган қандай тақчил маҳсулотларни бемалол харид қила олдикки, бу ҳақда оғиз тўлдириб гапирсак. Бизнингча, А. Исломов қайта қуришни кадрларнинг ўрнини алмаштиришдан, одамларни ишдан бездиришдан эмас, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини яхшилашдан бошласа, айни муддао бўларди. Шундай қилганда, авваллари илғорлар сафидан ўрин олиб келган коллектив қолоқлар сафига тушиб қолмасди.

Судда А. Исломов бош бухгалтер ўринбосари В. Гусевани кўпчилик олдида давлат мол-мулкини талон-тарож қилишда айблаганидан тонди. Бу гапни фақат тор доирада — юқори ташкилот раҳбарларидан бирининг олдида айтганман, деди. Шунга кўра суд мақоладаги бу фактни етарли асосга эга эмас, деб топди.

Хўп, борингки, шундай ҳам бўла қолсин. Лекин бу билан нима ўзгаради? Қаерда бўлмасин, барибир, А. Исломов ўз ходимини ноҳақ айблагани, унинг иши ОБХСС ходимлари томонидан тафтиш қилингани, лекин жиддий камчиликлар аниқланмагани рост-ку. Директор нима учун шунга қарамай, уни асоссиз қонунбузарликда айблади?

Дарвоқе, А. Исломов ишда ўзидан бошқаларга ишонмасликни, ходимларга шубҳа билан қарашни афзал кўради чоғи. Шунданми, у янги лавозимга ўтиргач, камёб молларни тарқатишни ўз қўлига олди. Ҳатто бу ишга бевосита алоқадор бўлган, ўзи билан баробар ишга келган муовини Н. Мамажонованинг имзосини қонунга хилоф равишда бекор қилди. Идора муҳрини сейфига бекитди.

Тўғри, СССР Ички ишлар министрлигининг 1978 йил 13 февралдаги 34-рақамли буйруғида корхона-ташкилот муҳри раҳбарда ёки у ишониб топширган шахсларда бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Бунда расман А. Исломов ҳақ. Муҳр унда — яъни, раҳбарда бўлган. Аммо масалага иккинчи томондан ёндашсак-чи? Муҳр у ишониб топширган шахсларда — муовинларида ёки бошқа масъул кишиларда бўлиши ҳам мумкин эди. Бизнингча, қонуншунослар масаланинг бу жиҳатига ҳам эътибор беришлари лозим эди. Афсуски, амалда бундай бўлмади.

Хуллас, судда А. Исломов ғолиб чиқди. Даъволарини юридик жиҳатдан тасдиқлатиб олди. Лекин бу — мақола бутунлай асоссиз, туҳмат руҳида ёзилган деган гап эмас. Баъзи фактлар ноаниқ ва чалкаш талқин қилинганлигига қарамай, унда масала тўғри кўтарилган. Хусусан, директорнинг иш фаолиятидаги хато-камчиликлар, бугунги кун раҳбарига хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари ўринли таҳлил этилган. У «Ташгастрономторг»га ишга келгач, коллектив аъзолари ўртасида ўзаро низо-адоватлар пайдо бўлгани, текширтекширлар авжига чиққани, йиллик план бажарилмагани аниқ. Табиийки, А. Исломов раҳбар сифатида аввало ана шу каби ҳолларга барҳам бериш учун курашиши лозим эди. Қолаверса, инсоннинг қадр-қиммати, обрўэътибори фақат қоғоздаги фикрлар билангина ўлчанмайди. Иши, эл орасида, жамиятда тутган мавқеи билан баҳоланади. Зеро, А. Исломовнинг ўтган йили, «Ташгастрономторг» тарқатилгач, «Ташхлебторг»нинг бўлим мудирлигига тайинлангани бежиз эмас. Бундан ташқари Киров райпишчеторги директорлигига бўлган сайловда у ҳам ўз номзодини қўйганди. Лекин сайловдан ўтолмади. Коллектив раҳбарликка бошқа одамни сайлади.

Шу жиҳатдан қараганда, биз ҳам мақоладаги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб оламиз. Бу хулосалар муаллиф учун ҳам жиддий сабоқ бўлади. Ҳарқалай, уни кенг жамоатчилик жанговар публицист сифатида яхши танийди. Унинг халқ манфаати йўлидаги хизматларини — ўлкамизни боғ-роғларга айлантириш борасидаги жонкуярликларини, Бўстонлиқ табиатини қутқариб қолишдаги заҳматларини кўпчилик қадрлайди. Худди шу боисдан ҳам П. Шермуҳамедов, М. Аъзам, Н. Қобул, Т. Пўлатов, М. Маҳмудов, У. Азимов, Ю. Ковалёв сингари қаламкашлар муҳокамалар пайтида мақола юзасидан холис фикрлар билдирдилар.

Эндиликда ҳуқуқий давлат қуриш, ҳар бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари заррача камситилмаслиги, шаъни, номуси поймол этилмаслиги борасида жиддий ишлар қилиняпти. Ҳуқуқий давлат ҳар биримиздан жуда юксак инсоний масъулиятни талаб этади. Буни ҳар биримиз теран англамоғимиз, шунга қараб холис ва одилона йўл тутмоғимиз лозим. Асосий гап шу. Қолгани ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола...

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири**

